

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан амалдаги қонун, фармон, қарор, низомлар асосида тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан хал этилмаган тақдирда, судда хал этилади.

VI. Коррупцияга қарши талаблар

6.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни, тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкӣ имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни қафолатлайди ва шунга мажбур.

- бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

VII. Якуний қоидалар

7.1. Шартнома **2022 йил 31 декабр** гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда қўлланилмайди, балки кейинги ойдан кучга киради.

Бюджет ташкилотлари учун : Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб Ғазначилик органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қилади

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

7.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шarti билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

7.4. Барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқийдир.